

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 69 (65945)
1996 йил, 21 сентябрь, шанбаСотувда эркин
нархда

Муҳтарам муштарий, қадрдон мухлислар, «Тонг юлдузи» газетамизнинг доимий обуначилари! Самимий ва қадимий уртоқ!

Сиз, йил — ун икки ой, балки, қулдан қуймай уқиган, уқийтган, уқияжак газетага, илм ва билимингизни албатта оширган, ошираётган, оширажак «Тонг юлдузи»га обуна бошланди.

Сизни ҳар йилгидек ва ҳар галгидек фақат «Тонг юлдузи» дагина уқилиши мумкин бўлган, қизиқ-қизиқ материаллар: Антиқа бошқотирма, жумбоқли топишмоқ, ғаройиб хабар, ноёб тез айтиш, жажжи ҳамда улкан қиссадан парчалар кутмоқда.

Шубҳасиз, Сиз, «Умрнинг қадрига етиш керак», «Тарих такрордан иборат», «Меҳрибон, меҳри бор муаллим», «Тарбия чироқлари», «Соғ юрак — тоғ юрак», «Шоирлар болаларга», «Соғлигини соғломликда асрагин», «Хунар, хунардан унар», «Кутубхона — нурхона», «Мустақил юрт болалари — иқтидорлидир», «Боғчам — овунар жойим», «Бизга ёзадилар», «Мактабимиз — ўз уйимиз», «Болаликка содиқ инсонлар», «Катта устоз ҳақида кичик сўз», «Кичкина одам билан катта суҳбат», «Аълочилар ҳақида ҳикоялар», «Уқиб, хулоса чиқаринг», «Ота насиҳати» каби эски-ю эскирмас руқнлар остида бериладиган янги материаллардан янги билимлар оласиз, янгиликлардан хабардор бўлавериб, ўзингиз ҳам янгиланасиз. Саводингиз ошгандан ошади. Савиянгиз устандан усади. Дунёқарашингиз камолот томон тобора ўзгаради.

Сиз газетамиз орқали бериладиган «Шанба — ота-оналар куни», «Мунозара», «Нилуфар», «Хандобус» клубла-

римиз яна сиз билан гавжум ва файзли бўлади.

Эсингизда бўлса, қаттиқ қулдирган «Типратикан қишда нима қилади? жумбоқли топишмоқлардан эслатсак:

**Ниманинг беш бармоғи бору,
Лекин бирорта ҳам тирноғи йўқ?**

Совуқда бир хил кийинган киши ва

**★ШОИРНИНГ,★
★УЎЗГУРИНГ!★**

бола турибди, буларнинг қайси бири тезроқ совуқ ейди?

Қора мушук қай вақт уйга осонгина кира олади?

Дунёда нима қиммат?

Одамда нима бўлмаса, нимали бўлмаса, нима қилмаса яшай олмайди?

Хур мамлакатимизнинг хурфикр болалари, айтар сўзимиз шуки: манглайингиздаги «Тонг юлдузи»ни уқий олсангизгина, келажакни равшан кура оласиз. Ва ниҳоят юлдузли йўлингиз абадий порлоқдир.

«Тонг юлдузи»га обуна бўлган уртоқ, сизни «Хурлик кунгироғи», «Чақнаётган юлдуз», «Ўз ҳақингизда ёза оласизми?» каби руқнлар ҳам кутмоқда.

Режаланаётган гоят ажойиб ва ғаройиб нарсалар уқилингиз билан табрикласак бўлади.

Самимий ва қадимий уртоқ! Гарчанд шоир бобонгиз: «Хумоюн овлайди шош-

мас мерганлар», десалар-да, биз журъат билан: Шошили-нг, улгуринг, «Тонг юлдузи»га ўз вақтида обуна бўлинг, деймиз.

«Тонг юлдузи»га обуна бўлган мухлис, сизни тез обуна бўлганингиз билан, обуна бўлаётган муштарий!

Сизни дадил, бир қарорга келиб, обуна бўлаётганингиз билан, обуна бўлмоқчи бўлган ёш дуст-Сизни қутлуг журъат, яхши ниятингиз билан қутлаймиз.

Марҳамат, «Тонг юлдузи» сизники!



ВОДИЙГА САФАР

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов раҳбарлигидаги делегация Андижон ва Наманган вилоятларида сафарда бўлди. Юртбошимиз аввалига Андижондаги «Ўзтонг Хонг КО» қўшма корхонаси фаолияти билан танишдилар. Бу ерда «ЎЗДЭУавто» заводида ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Тико», «Дамас» автомашиналари учун тайёрланаётган уриндиклар меҳмонлар эътиборини жалб этди. Шунингдек делегация Наманган вилоятидаги «Яшиқобод», «Кучқор ота» жамоа ҳужаликларида бўлиб, бу ерда қишлоқ ҳужалик маҳсулотларини етиштириш ишлари билан қизикди. Сафар давомида юртбошимиз иккала вилоят меҳнаткашлари билан дилдан суҳбатда бўлди.

ТИЛ БИЛГАН — ЭЛ БИЛАДИ

— Болалар, топинглар-чи, қулимдаги қандай газета? — суради Наталия Чимирская 7-синфга дарсга кириб.

— Мен биламан, — деди Оксана билагонлик билан, — бу республика болалар ва усмирларининг газетаси «Тонг юлдузи». Қўшниларимиз Сожида ва Камолаларникига ҳафтасига икки мартаба келиб туради. Биз биргалашиб уқиймиз. Жуда қизиқарли мақола ва хабарлар, эртақ ва ҳикоялар чоп этилади.

— Баракалла Оксана, — деди устози мамнуният билан. — Орангизда турли миллат вакиллари бор. Барчангиз аҳил, иноқсиз. 7 йилдан буён бир оила фарзандларидек уқиб келяпсизлар. Лекин ҳаммамизнинг ватанимиз ягона — Ўзбекистон! Шундай экан, юртимиз тарихини, утмишини ва ечимишини яхши билишимиз керак. Бунинг учун эса аввало ўзбек тилини янада пухтароқ урганишимиз, ўз она тилимиздагидек сузлаша олишимиз лозим. Бу борада «Тонг юлдузи» бизнинг яқин кулакчимиз бўлади деб уйлайман.


Ҳадемай обуна мавсуми бошланади. Ҳар икки ўқувчига биттадан мана шу газетага обуна бўлсак. Уни ўқиб республикадаги тенгдошларингиз ҳаёти, амалга ошираётган ибратли ишларидан воқиф бўласиз, қолаверса, тил урганасиз. Ахир тил билган, эл билади, деб бежиз айтилмаган-ку, турими?

Усознинг таклифи ўқувчиларга маъқул бўлди. Чунки 17 йилдан буён тугилиб ўсган қишлоғи, ўзи билим олган Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли 12-мактабда рус тили ва адабиёти фанидан дарс

бериб келатган Наталия Чимирская болаларнинг дилига йўл топа билади. Шундан бўлса керак, ўқувчилари уни жуда яхши қуришади. Мактабни тамомлаб турли олий ўқув юртларига ўқишга кирган шогирдлари мактабга келиб, устозларига муваффақиятларидан сузлайдилар. Наталия эса уларнинг қувончига чин дилдан шерик бўлади. Устоз учун бунданда ортиқроқ бахт борми?!

Суратда: Наталия Чимирская ўқувчиларига дарсни қайта-қайта тушунтиришдан ҳеч эринмайди.

**Х. ЗУЛФИҚОРОВ,
Сирдарё вилояти,
Сирдарё тумани, Синдар-обод жамоа ҳужалиги.**



Мустақил юрт болалари иқтидорлидир

УМИДИМИЗ КАТТА

Асқаржон қуёши яқин, бағри кенг, халқи меҳмондўст ва соддадил Сурхон воҳасининг фарзанди. У эндиgina 5 ёшга тулиб, олтига қадам қўйди. Лекин гап енда эмас. Гап шундаки, Асқаржон ўта иқтидорли бола.

Шу йил август ойида Жарқўргон тумани халқ таълими бўлимида тумандаги лицей мактабга иқтидорли ўқувчиларни танлаш гуруҳи аъзоларининг йиғилиши бўлаётганди. Хона эшиги охишта очилиб, бир йитит жажжигина болақайни етаклаб кириб келиб қолди: «Шу угилчамизни бир си-наб қурсангизлар» — деди у. — Бу йил 1-синфга берсак дегандик».

Жарқўргон тумани халқ таълими бўлими мудир Жўра ака Нормуродов кузлари жавдираб, бироз ҳадиксираб турган болақайни гапга сола бошлади. У ҳамма ҳарфларни лотин ёзувида ҳам, кирил алфавитида ҳам тулиқ, беҳато айтиб берди. Гуруҳ аъзоларидан бири стол устида турган «Маърифат» газетасини Асқаржонга узатиб, «қани ўғлим, мана шу мақолани ўқиб кўр-чи» деди.



Асқаржон катталарни ҳайратта солиб, ҳеч тугилмасдан, беҳато уқий бошлади. Яна кимдир «карра-карра»дан савол берди. Сунгра А. Ориповнинг «Онажоним» шеърини ифодали ёд олди, манзарали суратга қараб ҳикоя тузди. Гуруҳ аъзолари унинг теран фикрига, равшан ва бурро тилига лол қолиб, митти «вундеркинд», Асқаржон Қорақуловни тумандаги 45-иқтидорли болалар лицейининг бирийула иккинчи синфига қабул қилишди.

Зеҳни ва иқтидорли Асқаржоннинг келажигидан умидимиз катта.

**Абдували ОБИДДИНОВ,
Сурхондарё вилояти,
Жарқўргон тумани.**

ҚУНТ БИЛАН ЎРГАН ХУНАР, ХУНАРДАН РИЗҚИНГ УНАР

Ота-боболаримиз қилган хуна-
лар ажойиб-да. Қай бир буюмни
қулга олманг, унга сингдирилган

гулотаг утдилар.

Мана, уч йилдирки, мактаби-

МАХСИДУЗЛИК — БОБО КАСБИМ

нозик санъат, маҳорат, меҳр сизни
лол қолдиради. Мактабимизда
очилган «Махсидузлик» тугараги-
га аъзо бўлдим бу қадимий ху-
нар сеҳри узига ром этиб олди.

Дастлабки машғулот куни туга-
рак раҳбаримиз Шукурулло ака
Бобораҳматов шундай дедилар:

— Аввало сизларга махсининг
фойдаси ҳақида гапирай, у оёқни
бақувват қилади, қишда танани
шамоллашдан асрайди. Танани, де-
ганим ҳар қандай касаллик оёққа
— яъни товонга зах утишдан бош-
ланади.

Устоз яна махсига тери танлаш,
ип танлаш, бигизни қандай уш-
лаш ҳақида гапириб, асосий маш-

мизда қадимий миллий хунарма-
ндчилик турларидан бири махси-
дузлик тугараги фаолият курсат-
моқда. Устоз Шукурулло ака ёрда-
мида биз махси ямаш, бичиш ва
тикиш сирларини урганмоқдамиз.
Бу хунарни урганиш жараёнида
шундай хулосага келдимки, таш-
қаридан қараганда осондек туюл-
ган ҳар бир хунарни эгаллаш узига
ҳос қунт ва меҳнат талаб қилар
экан.

Ҳозир тугарагимизнинг Баҳо-
дир Аъзамов, Аброр Тошхужаев
каби аъзоларига «усто бўлиб қол-

динглар» дейдилар устамиз.

Мурод ИБРОҲИМОВ,
Тошкентдаги 23-мактаб
ўқувчиси.



КАСАЛ БЎЛМАСДАН

Юриб кетаётган троллейбус-
нинг «шоҳ»лари чиқиб кетди-
ю машина таққа тўхтади. Бе-
хос турган Нигора қалқиб
кетди, тиззаси алланарсага те-
гиб лат еди.

— Вой, микроб тушиб қол-
са нима қиламан! — тусатдан



қичқирди Наима опа қизча-
сининг «яра»сидан сизиб чиқ-
қан қонни куриб.

— Қурқманг, опа, менда
«санитар сумка»си бор, дори
суртиб боғлаб қўяман, — она-
боланинг олдида югуриб кел-
ди Зилола.

Наима опа махсус қутича
қутарган Динора билан Зило-
ланинг ҳаракатларини куриб
бироз тинчланди.

Қизчалар аввалига «яра»ни
сарик рангли сувда тоза пахта
билан ювишди, кейин «зелён-
ка» билан атрофини артиб,
дори суртишди, сунг боғлаб
қўйишди.

Динора Қувончбоева билан
Зилола Раҳимова пойтахти-
миздаги Раззоқ Ҳамроев ном-
ли мактабда ўқишади.

— Инсон яхши ўқиши ке-
рак, — дейди мактаб ҳамши-
раси Раъно опа Бобожонова,
— мактабимизда «Саломатлик-
нинг ёш дўстлари» гуруҳи таш-
кил этилган. Унга турли син-
флардан 20 нафар қиз аъзо.
Улар ҳар бир ўқувчининг соч,
тирноқларини, кийим-кечак-
ларини доимо назорат қилиб
туришади. Ҳовли, синф хона-
лари, ошхона ва йулаклар то-
залигига жавоб берадилар. Де-

ворий газеталар, «Тозалик ва-
рақаси» чиқарилиши ҳам улар-
нинг бошчилигида бўлади.

Озодалик посбонлари ша-
ҳар, туман «санпост»чилари
мусобақаларида ҳам иштирок
этадилар. Мабодо куча-қуйда
бирорта биринчи ёрдамга мух-
тож бўлиб қолган «бемор»лар
учраб қолса, дарров кумак



АВВАЛ...

курсатадилар. Утган йили улар
туман биринчилиги учун ут-
казилган мусобақада иккин-
чи уринни олдилар.

«Саломатликнинг ёш дў-
стлари» шаҳардаги 5-болалар
поликлиникаси шифокори
Сайёра опа Тожибоева бирик-
тириб қўйилган.

Касалнинг келиши
осон, кетиши қийинлигини
билган борки, соғлиқни
саломатликда асрайди. Бунга
Динора ва Зилолаларнинг
ҳаракати ҳам яққол мисол.

Зулфия ШОДИЕВА.

Суратларда: 1. Динора Ку-
вончбоева билан Зилола Ра-
ҳимова биринчи ёрдам кўрса-
тиш усулларини машқ қил-
моқдалар. 2. Мактаб ҳамши-
раси Раъно опа Бобожонова
шогирди билан. 3. Шифокори
Сайёра опа Тожибоева юкум-
ли касалликлардан муҳофа-
заланиш ҳақида суҳбат
ўтказмоқда.

Сураткаш: Равиль
АЛЬБЕКОВ.

Бизнинг зўр қизлар бор БУНАДА

дива қўшилдилар, ва «Ўқув
маскани шаҳардаги қалдир-
ғоч билим юртларидан, бу
йил узининг 50 йиллигини
нишонлайди, — дедилар. —
Ҳар йили бударгоҳни 400-500
нафар чевар қиз битириб чи-
қади. Улар йўлланмалар би-
лан шаҳримиздаги «Қизил то-
нг», «Паризод», «Юлдуз» ка-
би йирик тикувчилик бир-
лашмаларида меҳнат қилиша-
ди».

Чиндан ҳам қабул тартиби-
га бир қанча ўзгаришлар ки-
ритилди. Ўқувчилар компью-
терларга имтиҳон топшириб,
ўқишга қабул қилинди. Бу

албатта — ўқув масканига иқ-
тидорли қизларгина киради.
деган гап.

Билим юритини илгари та-
момлаган Нигора Қодирова
утган йили Республика буйи-
ча утказилган чевар қизлар
конкурсида ўзи тиккан мо-
деллари билан иштирок этиб,
голиб бўлибди ва Тошкент
енгил саноат олийгоҳига им-
тиҳонсиз қабул қилинибди.
Мавжуда Шерматова эса тан-
ловасосида Республика Мода
Марказига ишга кирибди.
Энди у ишбилармон аёллар
ассоциациясига аъзо экан.

Хунардаргоҳида «Ҳилола»



деб номланган рақс дастаси
ҳам бор. Ёш санъаткорлар «Ўз-
бекистон — Ватаним маним»
курик танловида совринли 3-
уринни эгаллабди...

Демак, билим юртида ўқиш
ҳам, хунарни ўрганиб элга
танилиш ҳам иқтидор
исътедод билан экан!

Маҳмуда ХАЙДАРОВА.

«СЕВИНЧ»НИНГ ТОМОШАЛАРИ

Пойтахтимиздаги Чилонзор тумани маданият уйининг «Се-
винч» болалар рақс ансамбли ижодий жамоаси «Қуёш юрти
тароналари» деб номланган янги концерт томошаси билан
сахнага чиқдилар. «Биз қуёш болалари», «Истиқлол чашмала-
ри», «Қушигимдасан Ватан» каби яллалар, «Шодлик», «Бахтли
болалик» каби мафтункор рақслар томошабинларда катта қизи-
қиш уйғотди. Ансамбль иштирокчиларидан Лобар Камолбеко-
ва, Наргиза Турсунхужаева, Ирода Чориева талқинидаги жози-
бали рақслар концертга файз бағишлади.

САХНАДА ЎҚУВЧИЛАР

Бугунги ёш авлодга боболаримиз тарихидан сабоқ бе-
ришда уларга халқимиз ўтмишини ўрганишда маданият
масканларининг тадбирлари самара бермоқда. Хусусан
Паркент туманидаги болалар кутубхонаси ва марказий
маданият уйи ҳамкорликда «Улар шу кунлар учун кураш-
ганлар» номли театрлаштирилган кеча бўлиб ўтди. Тума-
рис, Широқ, Амир Темур, Файзулла Хужаев, Абдурауф
Фитрат ва бошқа бобокалонларимиз ҳаётидан олинган
лавҳаларда асосий ролларни туман мусиқа мактаби
ўқувчилари ижро этдилар.



САИД АҲМАД:

Ёзувчи сен билан суҳбатлашади

«ШУ ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА БОЛАЛИГИМ ЯШАЙДИ»

— Болалигингизда жуда шўх бўлган экансиз деб эшитгандик. Ўша шўхликларингиздан гапириб берсангиз.

— Олдиндан айтиб қўяй. Менинг шўхликларим шумшук, ахмоқона шўхликлар эмасди. Ҳозир уйлаб кўрсам, нимаики қилган бўлсам, катталарга ҳавас қилиб, уларнинг ҳунарларига билиб-билмай тақлид қилиш натижаси эди. Тезроқ катта бўлиб қолсам ҳаммани қойил қолдирадиган ҳунарлар кўрсатсам дердим. Маҳалламиз гузариди дор уйини буларди. Масҳарабозлар галати-галати қизиқчиликлар қилишарди. Шуларни кўриб бир дорбоз бўлгим, бир масҳарабоз бўлгим келарди. Ҳовлимиз этагидаги теракка арқон боғлаб, бир учини қозиққа таранг тортиб дор уйнамоқчи бўлганман. Арқоннинг ярмига борганда йиқилиб, қўлим синган. Дадам опичиб табибга олиб борган. Табиб қўлимга тарновга ухшаган иккита тахта боғлаб устидан чандиб ташлаганди. Бир ой қўлимни буйнимга осиб юрганман. Масҳарабоз бир қоп шиша синигини ерга тўкиб, табуретка устидан ялангоёқ сакраган, уйин тушган эди. Мен ҳам шундай қилмоқчи бўлдим. Кучалардан, қўни-қўшниларникидан шиша синикларини йиғиб бир қоп тўлгандан кейин девордан ялангоёқ сакраганман. Оёқларим қонга беланган. Дадам яна табибга олиб бериб берди.


ларимга, бармоқларим орасига кириб қолган шиша синикларини олдирган. Ана шундан кейин бир ярим ой эмаклаб юрганман. Уч марта томдан йиқилганман. Беш марта аравага осилиб, аравакашнинг қамчисини еганман. Бир отимиз буларди, думидан тортганимда бошлаб тепган. Ариққа умболок ошиб тушиб кетганман. Хуллас ўтганнинг ўроғини, кетганинг кетмонини оладиган «ярамас» бола бўлганман.

— Биринчи тарсакини қачон егансиз?

— 1934 йилда педагогика билим юртининг биринчи курсида ўқирдим. Сира ўқигим келмасди. Дарсдан қочиб, Ҳамза театрининг олдида артистларнинг кириб-чиқаётганларини томоша қилардим. Жудаям артист бўлгим келарди. Абдор Ҳидоят, Обид Жалилов, Шукур Бурхонларнинг орқасидан эргашиб юрардим. Дарсга бормай санкиб юрганимни сезиб қолган акам роса дўппослаган. Негадир калтак еганимда ҳеч қаерим оғримаган.

Бирдан фотога ҳавас қилиб қолдим. Пул йиғиб аппарат сотиб олдим. Чорсуда машҳур фотограф Ғозиевнинг устахонаси буларди. Дарсдан бўш пайтларимда унга дастурлик қилардим. Баъзан ўқишга бормай устахонада кўнни ўтказардим. Акам билиб қолиб аввалгидан баттар дўппослаган. Барибир ҳеч қаерим оғримаган. Биноийдек фоточи бўлиб қолгандим. Мактабларга бориб аёлочи болаларни сувратга тушириб «Ленин ўққуни» газетасига олиб келардим. Олиб келган сувратларим баъзан босиларди. Тагига «Сайидахмад фотоси» деб ёзиб қўйишарди. Пенсон, Глауберзон, Қучқор Розиков деган атоқли фотожурналистларга эргашиб заводларга, колхоз далаларига борардим, сувратлар олардим. Ҳар йили 18 август куни Тошкент аэропортида авиация

«Жимжитлик» романини яхши кўраман десам, «Уфқ» кўзимга мунгайиб қараб тургандек бўлади. Ахир мен «Уфқ»ни ун беш йил кечани кеча, кундузи кундуз демай утириб ўзганман. Агар «Уфқ»ни яхши кўраман десам, Фармон



байрами буларди. Шаҳар халқи бу ажойиб томошани кўргани ёпирилиб келарди. Ўша ерда самолётдан сакраганларни, бир тўда самолётнинг юлдуз бўлиб учини сувратга олардим. Баъзилари газетада босиларди ҳам.

Фото баҳона бўлиб редакцияларга боғланиб қолдим. Хабарлар, кичик-кичик мақолалар ёзадиган бўлдим. Кейин хажвлар машқ қила бошладим. Битта-яримта ҳикоям босиладиган бўлди. Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳорлар билан танишдим. Менинг адабиётга қўйган қадамим болалар газетасидан бошланганди.

— Кўп ҳикоялар, пьесалар, романлар ёзгансиз. Шуларнинг ичида қайси бирини кўпроқ яхши кўрасиз?

— Бу саволингизга жавоб бериш жуда қийин. Агар мен

«Жимжитлик» романини яхши кўраман десам, «Уфқ» кўзимга мунгайиб қараб тургандек бўлади. Ахир мен «Уфқ»ни ун беш йил кечани кеча, кундузи кундуз демай утириб ўзганман. Агар «Уфқ»ни яхши кўраман десам, Фармон

— Болаларга атаб бирон нима ёзиш ниятингиз борми?

— Болаларга ёзиш қийин. Кўп уриниб кўрганман, эп-лолмаганман. Болаларга ёзиш учун педагог бўлиш керакка ухшайди. Ҳаким Назирга, Пулат Муминга, Турсунбой Адашбоевга, Анвар Обиджонга ҳавасим келади. Асарларини ҳузур қилиб ўқийман.

— Катталар асарларингизни севиб ўқишади. Аммо нима учун болалар ҳам сиз ёзган асарларни талашиб ўқишади. Бунинг сабаби нима?

— Билмадим. Бу тўғрида сира уйлаб кўрмаган эканман.

— «Тонг юлдузи» ўқувчиларига қандай тилаклар билдирмоқчисиз?

— Адабиётга шу газета эшигидан кирганман. Биринчи машқларим шу газетада эълон қилинган. Шу ерда устоз Ғофур Ғулом билан танишганман ва бир умр унга шоғирд бўлиб қолганман. Ўша пайтда таҳририятда жуда яхши шоир ва ёзувчилар ишлашарди. Талантли болалар шоири Зафар Дир, шоир Ғиёс Соатий, ёзувчи Ҳаким Назир, Ваҳоб Рузиматовлар ёш, ушиб келатган талантларни қанотлари остига олардилар.

Айниқса, бўлим мудир, журналистика ҳунарини пухта эгаллаган Зебо Шамсутдинова деган қиз алоҳида ажралиб турарди. Зебо уруш бошланган биринчи кўнларданок кўнгилли бўлиб фронтга кетди. У фронтда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Ҳозир Тошкент кучаларидан бири Зебо Шамсутдинова номи билан аталади. Биринчи муҳаррирлар Йўлдош Шамшаровни, Асом Исоқовни ҳурмат билан эслайман. Шу газета саҳифаларида болалигим яшаётганга ухшайди. Шу қадрдон газета таҳририятига, унинг ажодий гуруҳига, юз минглаб ўқувчиларига буюк ҳурмат билан таъзим қиламан. Уларга сўхат-саломатлик тилайман. Жажжи болаларимизнинг мустақил мамлакатимизга содиқ фуқаро бўлиб етишишларини истайман. Келажаги буюк давлатимиз ана шу фарзандларимизники. Шу болажонларимизни, имонли, юртга эътиқодли бўлиб етишишида газетанинг муҳим роль уйнаши шубҳасиздир.

Х. АХМЕДОВА
суҳбатлашди.

Суратларда: ёзувчи Саид Аҳмад, ёзувчи рафикаси, шоира Саида Зуннунова ва қизи Нодира билан.

Обуна — 97

ҲОЙДАСИ КЕЙИН БИЛИНАДИ

Ёшим қирқ бешда. Беш нафар набирам бор. Қува тумани болалар шифохонасида энага бўлиб ишлайман. Уттиз беш йилдан буён «Тонг юлдузи»ни ўқиб келаман. У болаларни аввало яхши инсон бўлишга, илмларни ёшлиқданок пухта эгаллашга, ростгўйлик, ватанпарварликка, ўздан катталарни, ота-онани қадрлаш, ҳурмат, қилишга чақиради. Ушбу мактубни ёзишимга эса Ўзбекистон телевидениесининг «Нурли келажак» видеоканали, унинг «Тонг юлдузи» газетасига бағишланган саҳифасида айтилган гаплар сабаб бўлди.

Узоқ йиллар Тошкент Давлат университетида ёшларга сабоқ бериб келган, ҳозирда нафақада бўлган Бехруза опа Қосимова ўз набиралари билан бирга ҳар йили газетага обуна бўлиб келишлари бу йил эса обуначилар учун ўз жамғармаларидан маълум миқдорда маблаг ўтказишлари ҳақида гапирдилар.

Гапнинг рости, бу ташаббус менга ҳам таъсир этди. Ва ўз набираларимни ҳамда уларнинг икки нафар синфдошларини обуна қилиб беришга аҳд қилдим. Тўғри, жамғармам ошиб-тошиб, пулим нокерак бўлиб ётгани йўқ, лекин у - бу нарсдан тежаб-тергаб, набираларим, уларнинг тенгдошларини ўқиши учун сарфласам савоб ва фойдадан ҳоли бўлмайди, деб уйлайман. Вақти келиб бу ҳаракатларимнинг фойдаси — жамиятнинг маънавиятли фарзандларида кўринади.

Оминахон АБДУЛЛАЖОНОВА, Қува тумани «Қайрағоя» қишлоғи.



БОЛА, ТУТИ ВА ТИЛ ҲАҚИДА ЭРТАК

Қадим замонда, куешчиқар томонда Донолар юрти деган бир мамлакат бор экан. Мамлакат подшоши Билимдон ҳар шанба кун юлдузлар сирини биладиган олимларни, яхши шеърлар ёзидиган шоирларни, шўх куйлар чаладиган мусикачиларни, чиройли расмлар чизадиган рассомларни туплаб суҳбат утказар экан. Улар бир кеча кундуз саройдан чиқмай савол-жавоб қилишар, билмаганларини урганишар, билганларини бир-бирларига ургатишар экан. Уларнинг ичида энг доноси Билимдон подшо экан. Шундай бўлиши ҳам керак экан-да. Чунки мамлакатга энг ақлли, энг кўп тилни билувчи кишининггина подшолик қилишга ҳаққи бор экан.

Подшонинг саройида бир тути бўлиб, у бутун суҳбатга қулоқ тутиб ҳамма гапларни ёдлаб олар экан. Тутини эса подшоликдаги энг ёш хизматкор, туққиз ёшли бир бола парвариш қилар экан. Тути ҳам болани жуда яхши қўрар экан, Шунинг учун ҳар сафар донолар тарқалгач, болага ёдлаб олган гапларини айтиб берар экан. Шундай қилиб бола турли илмларни, турли тилларни урганиб бораверишди.

Кунлар ана шундай утаверишди-утаверишди. Билимдон подшо қариб-қартайибди. Кунлардан бир кун у вафот этибди. Билимдон подшонинг уғил-қизлари тахтга даъвогарлик қилиб, подшо бўламиз демапти. Одат бўйича тахтга энг доно одам чиқиши керак экан. Мамлакат донолари бир-бир бутун элатни имтиҳон қилишибди. Муносиб одам топилмабди. Донолар хабарчилардан:

— Яна ким қолди? — деб сурашибди. Хабарчилар:

— Битта боғбондан булак одам қолмади, дейишибди.

Боғбонни ҳам олиб келиб имтиҳон қилишибди. У илм фаннинг барча сир-асрорларидан хабардор экан. Шундай қилиб уни мамлакатга подшо қилиб кутаришибди.

Билимдон подшонинг вафот этганидан хабар топган Кунботар мамлакатни подшоши Донолар юртини босиб олишга отланибди. Бу хабарни Боғбон подшога етказишибди. У бутун олимлару шоирлар, мусикачилару рассомларни олиб душманга пешвоз чиқибди. У пайтларда аскарлар билан уруш қилиш одат эмас экан. Икки тарафнинг до-

нолари савол-жавоб қилишар, қайси тарафнинг билими паст келиб енгилса, асир тушиб мамлакатни берар экан. Кунботар мамлакатни билан Донолар юртининг олимлари туққиз кечаю туққиз кундуз савол-жавоб қилишибди, билимлари тенг келибди. Ниҳоят кунботар мамлакатидан бир олим чиқиб ҳаммага номаълум бир тилда савол берибди. Донолар юрти тарафдагилардан бирортаси бу тилни билмас экан. Шунда боғбон подшо душманларга дебди:

Бир кун муҳлат беринглар, халқимиздан сураб қурайлик, шу тилни биладиган одам топилмаса биз енгилдик, мамлакат сизларники.

Кунботар мамлакатидан келганлар рози бўлибди. Донолар юртидагилар қайғуга ботибдилар. Қанча сураб-суришгирмасин «мен биламан» деган одам чиқмабди. Уша тилни фақат аввали билимдон подшо билар экан холос. Бола тутига дон бераётган экан тути сурабди:

— Нега саройдагиларнинг ҳаммаси хафа, юзлари қайғули?

Бола:

— Бостириб келган душманларимиз номаълум тилда савол берган, у тилни билувчи одам ораимизда йўқ, шунинг учун, — дебди.

Тути:

— Уша тил асли сизларнинг тилингиз, қадимги авлодларингиз шу тилда гаплашган. Ҳозир ҳамма унутибди. Билимдон подшо уша тилда овоз чиқариб китоб ўқирди, мен эшитардим, маъносини ҳам биламан, хоҳласанг ургатай дебди.

Бола хурсандчилик билан рози бўлибди. Тути тонгга қадар уша тилни болага ургатиб чиқибди. Эрталабга бориб Боғбон подшо сураган муҳлат тутабди. Душман ғалаба қилдик, деб Донолар юрти олимларини асир олишга шайланаётганда, бола майдонга етиб борибди ва:

— Шошилманглар, саволингизни такрорланг! — деб бақирди.

Душманларнинг олими уша номаълум тилда:

— Мен ҳозир сузлаётган тилда қайси халқ гаплашади? — дебди.

Бола ҳам уша тилда:

— Ҳозир бирор халқ гаплашмайди. Қадим замонда бизнинг аجدодларимиз гаплашган. Бу тил — бизнинг тилимиздир, — дебди.

Кунботар мамлакатининг олими тан бериб айтибди:

— Хайрият, орангизда ёлғиз шу туққиз ёшли бола ўз тилингизни билар экан. Қайси халқ ўз тилини унутса, ватанидан жудо бўлади. Билиму-санъатимиз тенг экан, энди дўст бўлайлик.

Донолар юртининг одамлари шоду-хурам бўлишибди. Кунботар мамлакатидан келганларни меҳмонга таклиф қилишибди. Болани эса уша кундан бошлаб ўзларига подшо қилиб кутарибдилар. Бола подшо халқига аждодлари тилини ургатибди. Ушандан буён улар ўз тилларида гаплашар эканлар. Бошқа мамлакатлардан келган бирорта душман уларни енголмас экан.

Азиз САИД.

ХАҲДАЛАР

Имтиҳонлардан кейин:

- Мен энди ўқитувчимдан кўп нарса биламан.
- Қандай қилиб?
- Мен 7-синфга ўтдим, ўқитувчим 6-синфда қолди.

- Ойи, бутун иншодан «5» оламан.
- Қачқдан биласан?
- Аълочи Саодатнинг ёнида утириб, иншони сузма-суз кучирдим.
- Нима мавзуда иншо ёздинглар?
- «Менинг автобиографиям» деган мавзуда.

- Ойижон, менга бир сум беринг.
- Қанақасидан, қогоз бир сумликми, ёки танга бир сумликми?
- Йўқотиб қўямасин десангиз, танга бир сумликни қогоз бир сумликка ўраб беринг.



«Сайрам» қишлоғилик табиб Шерали бобонинг набираси Маҳмуджон Ёзувчи бўп кетибди. Яна қанақа денг, у кимни ёзса, «уриб» ёзармиш. Туман прокурорини ишдан олдириб, бир миروبни қаматтирибди. Ё тавба, энди саккизинчида ўқийдиган бола-я!»

Эллитинчи йилларнинг бошларида ана шунақанги узунқулоқ гаплар нафақат Турақўрғон, ҳатто Наманган вилоятига ҳам тарқалган эди.

Бу «ваҳима»ли гап-сузлар эндигона 8-синфда ўқийдиган Маҳмуд Иброҳимов ижодини янада гуллатди. Бирин-кетин унинг «Маҳсумча», «Сузда унақа, ишда

ди-ю, ижод қиларди-ю юрагининг аллақасерида нимадир етишмаётганини тобора кўпроқ ҳис қиларди.

— Уша етишмаётган нарсанинг нима эканини буюк Мустақиллигимиз эълон қилинган муқаддас кунда ҳис қилдим, — дейди Маҳмуд ака. — Хурлик онларининг нақадар тотли эканлиги ҳақида чин қалбдан қуйлагим келди.

Кичиклар хоҳ тушунсин, хоҳ тушунмасин, катталар барибир насиҳат қилишдан чарчамасликлари, ўзларининг мақсадларини ўқитишга ҳаракат қилишлари лозим экан. Ушанда бобо айтган гаплар ўсмирга қай тарздадир таъсир

«МИТТИ ФЕЛЬЕТОНЧИ» ДЕГАН НОМ ОЛДИ



бунақа», «Хотинбоз», сингари дастлабки фельетонлари босилиб чиқди. Урта мактабни битирганда «Митти фельетончи» номи бор эди унинг.

Кунларнинг бирида Шерали бобо набирасини ёнига ўтказди.

— Болам, сен «ҳа баракалла»чиларнинг мақтовига қувониб анча мунча ҳамқишлоқларимизни халқ олдида юзини шувит қилдинг. «Ҳақиқат учун курашаман» дейсан, аввало сен қанақа ҳақиқат учун курашаётганингни тушуниб олишинг керак», — деди.

Аммо Маҳмуджон ҳали бола эмасми, табибнинг нимага шаъма қилаётганини тушунмади. Бобо эса дилидагини очиқ гапиришга, бола қалбини «заҳар»лаб қўйишдан чўчиди.

... Кейинчалик у Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тугатиб, «Ҳосил учун», «Учқун», «Тошкент оқшоми» газеталари, «Муштум» журналида ишлади. Ишлар-

курсатмай қолмади. Ўзбек фельетончилиги равнақига муносиб ҳисса қўшган ажойиб инсонлар Комил Алиев, Абдулла Қодирий, Ориф Юнус ва шу сингари бошқа ижодкорларнинг суз санъатини ўқиб урганди, изланди. Матбуотда «Аччиқданақ», «Миттивой», «Тура Қуроний», «Маҳмуд Тура», «И. Маҳмуд» тахаллуслари билан мақолалар, фельетонлар ёзди. Асарлари «Муштум» журнали кутубхонасида босилиб чиқди. У болалар тилидан ҳам бир қанча фельетонлар ёзган.

Ҳозирда камтарин фельетончи-журналист Маҳмуд ака Иброҳимов «Бошланғич таълим» журналида ижод қилмоқда. Мустақил Ўзбекистонимизнинг 5 йиллик тантаналари кунлари у кишининг таваллуд топганларига 60 йил тўлди. Биз уларга узоқ умр, ижодий камолот тилаймиз. Қуйида Маҳмуд Иброҳимов ижодидан айрим намуналар ўқийсиз.

АЖРИҚ

Бегона, деб камситмангиз ажриқни одамлар! Ҳатто уни тепкиламамиз, йўқотмоқчи бўлиб уруғин. Лек, у бардош берар курашга, қувгинлару камситишларга...

Яшнаб кетар бағри кенг унинг тегиб қолса она тупроққа. Чирой очар уйингоху хиебонлар бўлиб ям-яшил. Демак, дўстлар камситмангиз, бегона, деб ажриқни. Ибрат олса арзир ундан, она ерга садоқатни. Арзир ҳатто чидам билан кукармоқни ҳар ерда. Камситмангиз асло уни, униб усган жойи шу! Бегона, деб сукаверманг, бегона ёв эмас у!!!

ҚЎШНИЛАР

Уйим тинч, турмушим яхши ўтсин, деган одам ўзини эмас, қўшнисининг қўшниларини ҳам тинчлигини уйлаши, уларга меҳрибон ва ғамхўр бўлмоғи даркор. Узоқдаги қариндошдан, яқиндаги қўшни яхши, деган мақол бекорга айтилмаган-да...

БИРОВНИНГ ИЗИ

Бировлар юриб кетган йўлдан ҳар қандай одам ҳам юраверади. Бироқ, янги йўл очиб, из қолдириш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Сиз умрингиз бино бўлиб, бирорта янги из қолдирганимиз, азизим? Токайгача бировларникига кўз тикиб, уларникини меники дейсиз? Ахир ўз отангиз ва онангиз бордир...

ЙИҒЛАМА, СИНГЛИМ

Йиғига зўр берма, фойдасиз синглим! Йиғи — бу ожизлик аломати. Қўл, ақлсиз эмассан, қўл-оёғинг бут, ғам-ғусса меҳнатдан қочади, билгил!

ОРИЯТ

Уят ориятли кишилардагина бўлади. Марднинг уялгани — уягани. Номард шунинг учун ҳам номардки, у уят нималигин билмайди.

Маҳмуд ИБРОҲИМОВ.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

**Бош
муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА**

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Оффсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -0507.
7691 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга тошириш вақти 19.00
Тоширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
• Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
• Нашр кўрсаткичи: № 64563
• Телефон:
33-44-25

